

УДК:631.4.411.5.577.547.466

## ҚИЗГИШ ТУСЛИ ЛАЛМИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

Раимбаева Гулзира Шариповна<sup>1</sup>, Исмоилов Дилшод Шерзод ўғли<sup>2</sup> Раҳмонқулов  
Иброҳим Набижон ўғли<sup>3</sup> Икромжонова Гулшаной Жаҳонгир қизи<sup>4</sup>  
доцент<sup>1</sup>, талаба<sup>2</sup> талаба<sup>3</sup> талаба<sup>4</sup>. Тошкент давлат аграр университети  
Ўзбекистон, Тошкент ш. dilshodbekismoilov99@gmail.com

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада неоген ётқизиқларида шаклланган  
қизгиш тусли лалми бўз тупроқларнинг генезиси, хоссалари ва биологик  
фаоллиги келтирилган.

**Калит сўзлар.** Қизгиш тусли лалми бўз, генезис, гумус, эрозия,  
морфологик белги, биологик фаоллик.

## БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ КРАСНОЦВЕТНЫХ БОГАРНЫХ СЕРОЗЁМНЫХ ПОЧВ

Раимбаева Гулзира Шариповна<sup>1</sup>, Исмоилов Дилшод Шерзод ўғли<sup>2</sup>  
Раҳмонқулов Иброҳим Набижон ўғли<sup>3</sup> Икромжонова Гулшаной Жаҳонгир  
қизи<sup>44</sup>  
доцент<sup>1</sup>, талаба<sup>2</sup> талаба<sup>3</sup> талаба<sup>4</sup>. Тошкент давлат аграр университети  
Ўзбекистон, Тошкент ш. dilshodbekismoilov99@gmail.com

**АННОТАЦИЯ.** В статье представлены генезис, свойства и биологическая  
активность богарных серозёмных красноцветных почв, сформированных в  
неогеновых отложениях.

**Ключевые слова:** Красноцветный богарный серозём, генезис, гумус,  
эрозия, морфологический признак, биологическая активность.

## BIOLOGICAL ACTIVITY OF RED-COLOR RAINFED SERIOZEM SOILS

Raimbaeva Gulzira Sharipovna<sup>1</sup>, Ismoilov Dilshod Sherzod o'gli<sup>2</sup>  
Raxmonqulov Ibroxim Nabijon o'g'li<sup>3</sup> Ikromjonova Gulshanoy Jaxongir qizi<sup>4</sup>  
docent<sup>1</sup>, student<sup>2</sup>,student<sup>3</sup>,student<sup>4</sup> Tashkent State Agrarian University  
Tashkent st, Uzbekistan. dilshodbekismoilov99@gmail.com

**ANNOTATION.** The article presents the genesis, properties and biological  
activity of rain-fed sierozem red-colored soils formed in the Neogene deposits.

**Key words:** Red rainfed serozem soils, genesis, humus, erosion, morphological feature, biological activity.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистонда неоген ётқизиқларида шаклланган қизғиш тусли тупроқлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу тупроқлар тоғли ва тоғ олди худудларида тарқалган. Қизғиш тусли тупроқлар ўзининг пайдо бўлиши, генезиси ва хоссалари билан лёсси ётқизиқларида шаклланган бўз тупроқлардан фарқланади. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқлар республикамизнинг жуда қўп худудларида очик ҳолатда тарқалган ва турли даражада эрозияга учраган. Неоген ётқизиқларида шаклланган қизғиш-кўнғир тусли тупроқлар асосан бир хилдаги лёссимон тупроқ пайдо қилувчи она жинсларда шаклланган, баъзи ерларда бу қатламлар жуда юза ва қатламларда учламчи ва оҳакли созлар, қумлар ва конгломератлар учрайди.

Қизғиш тусли бўз тупроқлар турли даражадаги қияликларда тарқалганлиги сабабли, турли даражада эрозияга учраган. Эрозия тупроқнинг юза қисмидаги унумдор қатламини заарлантириб, унумдорлигини камайтириб юборади. Эрозияга учраган тупроқлар турли даражада ювилиб кетади. Эрозия жараёни таъсирида тупроқдаги гумус ва озиқа моддалар миқдори кескин камайиб кетади. Эрозия жараёнлари тупроқнинг механик таркибига, физиковий, агрокимёвий хоссаларига ва биологик фаоллигига салбий таъсир этади. Натижада тупроқнинг унумдорлиги пасайиб кетади. Тупроқнинг унумдор бўлиши учун унинг таркибидаги гумус ва озиқа элементлар миқдорини сақлаш ва кўпайтириш зарур.

**Кириш.** Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг генезисини, морфологик белгиларини, механик таркибини, физиковий, агрокимёвий хоссаларининг ва биологик фаолликнинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамиятини ўрганиш муҳимдир. Тупроқдаги ўсимликларнинг ва турли хил микроорганизмларнинг органик қолдиқлари ундаги микроэлементлар, микробиологик, биологик ва биокимёвий жараёнлар таъсирида парчаланиб, тупроқда органик моддалар тўпланади. Тупроқда биологик жараёнларнинг фаолияти ўсимликлар ўсиши ва ривожланишида муҳимдир. Тупроқда азот ва фосфор ҳосил бўлишида тупроқда турли хил кимёвий ва биокимёвий реакцияларнинг боришида ферментлар жуда муҳим вазифани бажаради.

Қизғиш тусли лалми бўз тупроқлардаги микроэлементлар миқдорини, уларга эрозия жараёнларининг таъсирини, микроэлементларнинг ферментлар билан ўзаро боғлиқлигини, тупроқдаги уреаза ва протеаза ферментларининг фаоллигининг йил фаслларига қараб турлича миқдорда бўлиши аниқланган. Протеаза-ферменти тупроқда азот ҳосил бўлишида ва азот алмашинувида зарур бўлган фермент бўлиб, оқсиллар ҳосил бўлишида ва парчаланишида фаол иштирок этади. Уреаза-ферменти мочевинанинг аминофикацияланиши ва

азотнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклига ўтиши тупроқлардаги уреаза ферментининг фаоллигига боғлиқ. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқлардаги протеаза ва уреаза ферментининг фаоллиги қишида ва ёзда сезиларли даражада пасайиб кетади. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларда протеаза ва уреаза ферменти асосан тупроқнинг устки гумусли қатламларида кўпроқ микдорда учрайди. Тупроқнинг қуи қатламларида 50 см. дан кейин протеаза ва уреаза ферментининг фаоллиги кескин камайиб кетади. Эрозияга учрамаган тупроқлардаги протеаза ва уреаза ферменти эрозияга учраган тупроқларга нисбатан юқори бўлади. Эрозияга учрамаган бўз тупроқларнинг юқори қатламларидаги протеаза ва уреаза ферментининг фаоллиги баҳорда куз фаслига нисбатан ҳам юқори бўлади.

Тупроқдаги микроэлементлар-ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ферментлар таркибига киради, уларнинг фаолиятини тезлаштиришга ёрдам беради. Фотосинтез жараёнини тезлаштиради, нуклеин кислоталар, оқсиллар ва карбон сувларининг ўсимлик танасида ҳосил бўлишини таъминлайди. Микроэлементларнинг таъсир даражаси жуда қисқа диапазонда намоён бўлади, уларнинг етишмаслиги ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Тупроқдаги миснинг ҳаракатчанлигини оширишга тупроқдаги водород иони концентрациясининг ортиши, азот физиологик ўғитларининг берилиши органик моддаларнинг микроорганизмлар билан минераллашиши, тупроқда аммоний ва нитратнинг тўпланиши сабаб бўлади [1;2].

Тадқиқотларда қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг хоссалари ва биологик фаоллиги қиёслаб ўрганилган. Тупроқнинг биогенлиги тупроқ юзасидаги ўсимликлар қопламига, гумус микдорига, тупроқнинг механик таркибига, тупроқ муҳитига, тупроқнинг хоссаларига, микроэлементлар микдорига ва ферментлар фаоллигига боғлиқлиги келтирилган [3;4].

Тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда тупроқнинг генезисини, хоссаларини, биологик фаоллигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Органик моддаларнинг қайта ўзгариши ва парчаланишида, гумусли моддаларнинг ҳосил бўлишида ферментларнинг аҳамияти катта. Ферментларнинг асосий манбаи тупроқда яшовчи тирик организмлар, бактериялар, актиномицитлар, умуртқасиз жониворлар ва ўсимликлар ҳисобланади. Тупроқдаги ферментлар органик қолдиқларнинг қайта ўзгаришида фаол қатнашади. Ферментлар катализаторлар сифатида органик моддаларнинг парчаланиши ва синтези жараёнларини миллион мартабагача тезлаштиради. Тупроқдаги барча ферментлар комплекси тупроқнинг ферментатив фаоллигини белгилайди. Тупроқнинг биологик фаоллиги тупроқдаги органик моддалар билан бевосита боғлиқдир[5;6].

**Тадқиқотлар обьекти.** Ўрганилган худуд тупроқлари неоген ётқизиқларида шаклланган қызғиши тусли лалми бўз тупроқлар бўлиб, Ғарбий Тянь-Шань тоғ олди текисликларида ва Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида тарқалган. Бу худудда учламчи даврнинг неоген ётқизиқларида шаклланган қызғиши тусли лалми бўз тупроқлар тарқалган бўлиб, қызғиши тусли чўқмалардан иборат. Учламчи давр неоген ётқизиқларида шаклланган қызғиши тусли лалми бўз тупроқларни Тошкент вилояти Қиброй туманининг Май қишлоғида очик ҳолатда тарқалган тупроқларида тадқиқотлар олиб борилди.

**Иқлим шароити.** Қызғиши тусли лалми бўз тупроқлар тарқалган худуднинг иқлим шароити Ўрта Осиё миңтақаси Турон паст-текислигида жойлашган, кескин ўзгарувчан субтропик иқлим шароитига эга қызғиши тусли лалми бўз тупроқлар бўлиб, унинг географик жойлашиши атмосферанинг церкуляцияси, қуёш радиациясининг қурғоқчиллиги, иссиқликнинг кўплиги ва континенталлиги билан боғлиқ. Иқлим шароитининг йил фасллариға қараб ўзгариши, баҳорнинг намли ва қисқа муддатли, қуруқ ва иссиқлигидир. Тоғларга яқинлашган сари тоғ олди қияликларининг нишабликлари ортиб боради ва текисликлар ўрнини дарё водийлари, сойлар ва жарликлар эгаллайди. Ўрганилган жойнинг тупроқлари қызғиши тусли лалми бўз тупроқлардан иборат. Тоғ олди худудида жойлашган.

**Иқлими субтропик.** Йиллик ёғин миқдори 399-422мм, ёғинлар куз, қиш ва эрта баҳорда кўп ёғади. Ўсимликлар учун вегетация даври 204-234 кун. Ёзда июль ойида +39,7+45,8 градус иссиқ, декабръ ва январда -11,3-11,7 градус совук. Самарали иссиқлик йифиндиси 2220-2450<sup>0</sup>С ни ташкил этади.

**Рельефи ва тупроқ пайдо қилувчи ётқизиқлари.** Қызғиши тусли лалми бўз тупроқлар денгиз сатҳидан 500-700дан 1000-1200метрғача баландликда жойлашган. Худуднинг рельефи тоғ олди қия паст-текисликлардан иборат. Рельефи нотекис. Тупроқлари қызғиши тусли лалми бўз тупроқлардан иборат.

**Ўсимликлари.** Тоғ олди текисликларининг ўсимликлари эфемер ва эфемероидлар каби ўтлардан иборат. Ўсимликлари ялтирош, қўнғирбош каби ўсимликлар энг кўп тарқалган бўлиб, оқкурай, каррак ўсади. Эфемероидлар билан бирга эфемерлардан бойчечак (Lagia), чучмома (Lxioliron), нўхатак (Astra alia), лола (Tulupa), қизғалдоқ (papaveer) кабилар ўсади. Худуднинг ўрта ва баланд қисмларида қўнғирбош, ялтирош, қизғалдоқ ва герань ўсади. Худуднинг юқори қисмида буғдойиқ ўсади. Тоғ олди тоғ оралиғи водийларининг соҳилларида чакалакзорлар учрайди. Унда тол, терак ва жийда ўсади.

**Тадқиқот натижалари.** Олиб борилган тақдиқотларда қызғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг ўзига хос морфологик белгилари, механик таркиби, физикавий ва агрокимёвий хоссалари, микроэлементлар миқдори, протеаза ва уреаза ферментларининг фаоллиги ўрганилди.

## ҚИЗҒИШ ТУСЛИ ЛАЛМИ БҮЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ.

Қизғиши тусли лалми эрозияга учрамаган тупроқларининг ранги-туси кулранг-қизғиши, қизғиши-қүнғир, гумусли қатламининг қалинлиги 65 см, механик таркиби оғир құмоқ тупроқ; эрозияга учраган тупроқларининг ранги-туси қизғиши-қүнғир, гумусли қатламининг қалинлиги 47 см; эрозия таъсирида ювилиб түпленган тупроқларининг ранги-туси қизғиши-қүнғир, гумусли қатламининг қалинлиги 71 см; оғир құмоқ ва енгил соз тупроқлардан иборат [5;6].

1-жадвал

**Қизғиши тусли лалми бүз тупроқларниң морфологик белгилари**  
(Раймбаева.Г.Ш.2019 маълумоти)

Кесм арақа ми	Эrozия даражас и	Релье фи	Қияли ги	Гумусли қатлам қалинлиг и, см (A+B <sub>1</sub> +B <sub>2</sub> )	Чимли қатламниң ранги-туси	Механ ик таркиб и	Карбон ат- ларниң г юқори чегарас и, см
K <sub>1</sub>	Эрозияга учрамаг ан	Сув айирг ич	0 <sup>0</sup>	65	Кулранг- қүнғир қизғиши тусли	Оғир құмоқ	22
K <sub>2</sub>	Ўртача эрозияга учраган	Қияли к	5 <sup>0</sup>	47	Қүнғир- қизғиши тусли	Оғир құмоқ	5-10
K <sub>3</sub>	Ювилиб түпленг ан тупроқ	Этак	0,5 <sup>0</sup>	71	Оч қүнғир қизғиши тусли	Оғир құмоқ,, енгил соз	25



## ҚИЗҒИШ ТУСЛИ ЛАЛМИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИ ВА ФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ.

Тупроқнинг механик таркиби тупроқ пайдо бўлиш шароитига ва тупроқ пайдо қилувчи она жинсларига боғлиқ бўлади. Тупроқнинг механик таркиби қандай қияликларда тарқалганлигига, эрозия таъсирида ювилганлик даражасига ва тупроқ пайдо қилувчи она жинсига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Қияликларда жойлашган тупроқларнинг эрозия таъсирида ювилиш даражаси кучли бўлиб, қияликнинг юқори қатламида физик лойнинг миқдори кам бўлади. Эрозия жараёни таъсирида ювилиб келтирилган жойларда физиковий лой миқдори кўп бўлади. Текисликларда сувнинг тупроқни ювиш кучи паст бўлиб, эрозияга учрамаган тупроқлар бир хил ўзгармас механик таркибли бўлади.

Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг механик таркиби оғир қумоқ ва енгил создан иборат. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг механик таркиби юқори гумусли қатламларда ўрта қумоқ, тупроқнинг қуий қатламлари сари механик таркиби оғирлашиб боради, ундаги йирик чанг (0,05-0,01мм) миқдори 29,9-36,2% гача, ўрта ва майда чанг (0,01-0,001мм) миқдори 27,4-33,1 дан 41,4% гача етади. Майда қум (0,1-0,05мм) миқдори 5,7-16,1% гача етади. Лойқа миқдори эса (0,001мм дан кичик) 12,7-17,8 гача бўлиши мумкин. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларда физик лой миқдори кесманинг юқори чимли қатламларида 43,3%, чимли қатлам остида 46,5% бўлади. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларда механик таркиб тупроқ кесмасининг қуий қатламлари бўйича аста-секин ошиб бориши, ўрта қумоқдан оғир қумоққа ўтиб бориши кузатилади.

Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг солишишима оғирлиги 2,66-2,67 г/см<sup>3</sup> гача бўлиб, энг кам солишишима оғирлик тупроқнинг гумусли қатламида учрайди. Тупроқнинг пастки қатламлари томон солишишима оғирлик ошиб боради. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг ҳажм оғирлиги тупроқнинг чимли қатламида 1,35-1,40г/см<sup>3</sup> бўлиб, пастки қатламларда 1,58-1,65г/см<sup>3</sup> гача етади. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг ғоваклиги юқори қатламларда 47,36-49,05 %, тупроқнинг қуий қатламларида эса камайиб, 39,78-44,69 % атрофида эканлиги аниқланган [3;4].

## ҚИЗҒИШ ТУСЛИ ЛАЛМИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ.

Қизғиш тусли лалми бўз тупроқлар ўзининг бир қанча хоссалари билан фарқланади. Тупроқнинг қатламлари яхши табақаланмаган, гумус миқдори унча кўп эмаслиги билан фарқланиб, гумус миқдори 1-1,5% гача етиши мумкин.

Эрозияга учрамаган қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг гумусли қатламининг қалинлиги турличадир; тупроқ қатламининг қалинлиги кам

(<40см), қатлам қалинлиги ўртача (40-70см) ва қатлам қалинлиги юқори (>70см) турларга ажратилган.

Қизғиши тусли лалми бўз тупроқлар таркибида темир элементининг гематитли ва лимонитли ҳамда марганецли бирикмалар юқори кўрсаткични ташкил қилиб, гидрослюдадар, монтморролинит гуруҳи минералларидан хлорид, вермулит ва аморф моддалар кўп учрайди.

Тахлил қилинган эрозияга учрамаган қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг гумус юқори қатламларда 0,89-1,11% гача бўлиб, пастки қатламларида 0,46-0,58% бўлиб, қуи қатламлар томон бу кўрсаткич камайиб боради. Умумий азот миқдори юқори қатламларда 0,084-0,096% фосфор миқдори 0,112-0,123%, калий миқдори 1,90-2,00% бўлиб, ҳаракатчан фосфор миқдори 16,0-20,0 мг/кг гача, ҳаракатчан калий 120-140 баъзан 190 мг/кг гача етади

Ўрганилган эрозияга учраган қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг гумус ва озуқа элементларининг миқдори тупроқ қатламларида қуйига томон кескин камайиб кетади. Бу тупроқларда CO<sub>2</sub> карбонатлар миқдори 7,48 дан 8,12% гача бўлиб, қуи қатламларда бу кўрсаткич 9,86-10,21% гача етади. Гипс миқдори анча юқори бўлиб, 1,30-200см чукурликда майдада кристалли гипсли қатлам мавжуд. Тупроқ муҳити pH 7,25-7,75 гача етади [5;6].

Эрозия таъсирида ювилиб тўпланган қизғиши тусли лалми бўз тупроқларда гумус миқдори 0,98-1,56% ялпи азот миқдори ҳайдалма қатламларда 0,092-0,110%, фосфор 0,126-0,146, калий миқдори 2,20-2,25% бўлиб, CO<sub>2</sub> карбонатлар миқдори 7,63 дан 8,78% гача бўлиб, қуи қатламларда бу кўрсаткич 11,56-11,86% гача етади. Тупроқ муҳити pH 7,20-7,80 гача етади [4;5].

## ҚИЗҒИШ ТУСЛИ ЛАЛМИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРДАГИ МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИ.

Тупроқда жуда оз миқдорда бўлиб, ниҳоятда зарур бўлган қатор кимёвий элементлар борки, уларни микроэлементлар дейилади. Тупроқдаги микроэлементлар ўсимликлар ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсимликлар микроэлементларга бўлган талабини тупроқлардаги микроэлементлар ҳисобига тўлдиради. Микроэлементлар-ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ферментлар таркибига кириб, уларнинг биологик фаоллигини тезлаштиради, оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида иштирок этади, уруғларнинг тез униб чиқишига ва чиришининг олдини олади, моддалар алмашинувида, тупроқда биокимёвий, биологик фаолликнинг кечишида асосий роль ўйнайди ва фотосинтез жараёнида иштирок этади.

Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларда эса эрозияга учрамаган лалми бўз тупроқларда мис (Cu)-миқдори 0.40-0.55 мг/кг, рух (Zn)-миқдори 0.20-0.25 мг/кг,

марганец (Mn)-миқдори 100-105 мг/кг, бўр (B)-миқдори 0.50-1.28 мг/кг, ўртача эрозияга учраган тупроқларда Си-миқдори 0.30-0.35 мг/кг, Zn-миқдори 0.15-0.20 мг/кг, Mn-миқдори 70-85 мг/кг, В-миқдори 0.69-0.50 мг/кг. Ювилиб тўпланган тупроқларда Си-миқдори 0.65-0.70 мг/кг, Zn-миқдори 0.25-0.30 мг/кг, Mn-миқдори 105-115 мг/кг, В-миқдори эса 1.80-1,65 мг/кг эканлиги маълум бўлди. Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг қуи қатламларида бўр (B) микроэлементлари қўпроқ эканлиги маълум бўлди. Сабаби учламчи чўкиндиларбу энг кўхна денгиз чўкиндилари бўлиб, бўр (B) “денгизсевар” элементдир.

## **ҚИЗҒИШ ТУСЛИ ЛАЛМИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ.**

Тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда тупроқнинг биологик ва биокимёвий жараёнларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Тупроқнинг биологик ва биокимёвий жараёнлари ундаги микроорганизмларнинг ва ўсимликлар қолдиқларининг чириши натижасида парчаланиб, тупроқда ҳосил бўладиган биологик фаол моддаларнинг ҳаракатига, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига, микроорганизмлар миқдорига боғлик. Тупроқнинг органик комплексида биологик жараёнларнинг жадал боришида тупроқдаги ферментлар алоҳида ўрин тутади. Ферментлар тупроқдаги турли хил биокимёвий реакцияларнинг юз беришида, органик моддаларнинг парчаланишида, тупроқда ўсимликлар ўзлаштира оладиган азот ва гумус ҳосил бўлишида иштирок этиб, тупроқ унумдорлигини оширади. Ферментлар тупроқнинг биологик ҳолатининг сезгир индикатори ҳисобланади.

Протеаза ферменти тупроқда азот ҳосил бўлишида зарур бўлган фермент бўлиб, оқсиллар ҳосил бўлишида ва эркин аминокислоталаргача парчаланишида иштирок этувчи фермент.

Уреаза ферменти мочевинанинг аминофикацияланиши ва азотнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклга ўтиши уреаза ферментининг фаоллигига боғлик. Уреаза ферментини тупроқдаги уробактериялар гурухи ишлаб чиқаради. У замбуруғларда, чиритувчи бактерияларда ва азотабактерияларда учрайди.

Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг тарқалишини, келиб чиқишини, тупроқдаги мис ва бўр микроэлементларининг таркибини ва миқдорини, уреаза, фосфатаза ва каталаза ферментларининг фаоллигини ва уларга эрозия жараёнларининг таъсирини ўргангандар [1;2].

Қизғиш тусли лалми бўз тупроқларнинг морфологик белгиларини, механик таркибини, физиковий ва агрокимёвий хоссаларини, қизғиш тусли тупроқдаги мис, рух, бўр ва марганец микроэлементларининг миқдорини, протеза ва уреаза ферментларининг фаоллигини ўрганди. Ферментларнинг баҳор

ва кузда турлича микдорда бўлишини, гумуснинг ферментлар билан, тупроқнинг механик таркибининг физик лой билан ўзаро коррелятив боғлиқлигини ўрганди [5].

2- жадвал

**Қизғиши тусли лалми бўз тупроқлардаги ферментлар фаоллиги  
(Раймбаева.Г.Ш.2019)**

Кесма рақами	Кесма чуқурлиги, см	Протеаза фаоллиги тирозинда 1гр тупроқда 24 соатда мг ҳисобида		Уреаза фаоллиги, N-NH <sub>4</sub> да 1гр тупроқда 24 соатда мг ҳисобида.	
		Бахор	Куз	Бахор	Куз
K <sub>1</sub> Эрозияга учрамаган тупроқ	0-4	0,127	0,116	4,20	3,75
	4-20	0,072	0,060	3,50	2,10
	20-42	0,055	0,042	2,50	1,05
	42-64	0,033	0,028	1,00	0,67
	64-118	0,022	0,012	0,30	0,21
	118-175	0,005	0,003	"из"	"из"
K <sub>2</sub> Эрозияга Учраган тупроқ	0-3	0,092	0,078	2,55	2,25
	3-23	0,053	0,046	2,05	2,00
	23-43	0,040	0,034	1,80	1,36
	43-75	0,020	0,014	0,70	0,55
	75-120	0,010	0,006	"из"	"из"
K <sub>3</sub> Ювилиб тўпланган тупроқ	0-6	0,158	0,130	4,85	4,15
	6-24	0,102	0,090	4,00	3,05
	24-42	0,068	0,052	3,00	2,20
	42-67	0,042	0,030	1,15	0,98
	67-98	0,030	0,018	0,42	0,25

Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларда уреаза ферментининг қўрсатгичлари анча кам эканлиги маълум бўлди. Эрозияга учрамаган лалми тупроқларда 3,50-4,20 мг 1г тупроқда, эрозияга учраган тупроқда 2,05-2,55 мг, ювилиб тўпланган 1г тупроқда 4,00-4,85мг. Эрозияга учрамаган тупроқларда уреаза ферменти эрозияга учраган тупроқларга нисбатан юқори бўлади. Уреаза ферменти тупроқ кесмасининг 50см дан кескин камайиб кетади. Тупроқ қатламлари бўйича уреаза ферментининг тарқалиши тупроқ ҳосил бўлиш жараёнинг қандай кечётганлигига ва тупроқнинг хусусиятларига боғлик бўлади.

Эрозияга учрамаган қизғиши тусли лалми бўз тупроқларда протеаза ферментининг фаоллиги 24 соатда 1г. тупроқда 0.072-0.127мг, ўртача эрозияга учраган тупроқда 24 соатда 1г. тупроқда 0.053-0.092 мг, эрозия натижасида ювилиб тўпланган тупроқда 24 соатда 1г. тупроқда 0.102-0.158 мг ҳосил бўлади. Куз фаслида баҳорга нисбатан кам микдорда бўлиши кузатилди [5;6].

Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларда биологик фаоллик тупроқнинг юза 50см гача бўлган қатламларида юқори бўлиб, тупроқнинг 50-70см дан кейинги қатламларида биологик фаоллик кескин камайиб, деярли кузатилмайди. Тупроқдаги биологик фаоллик унинг унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Эрозия натижасида тупроқдаги ферментлар фаоллиги сустлашади. Уреаза ва протеаза ферменти эрозия таъсирида тупроқнинг юза қатламларида кескин камайиб, ювилиб кетади.

Тупроқдаги уреаза ва протеаза ферментларининг фаоллиги баҳор фаслида куз фаслига нисбатан кўпроқ бўлиши кузатилди. Эрозия жараёни уреаза ва протеаза ферментларининг фаоллигига салбий таъсир этиб, тупроқнинг унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

## X У Л О С А

1. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқлар тоғ олди қия текисликларида, адирларда, паст тоғларнинг анча баланд қисмида тарқалган бўлиб, неоген ётқизиқларида шаклланган қизғиши тусли лалми тупроқлар тоғ олди қия текисликларида тарқалганлиги сабабли, рельефи нотекис, эгри-буғри қияликлар мавжуд.
2. Қизғиши тусли лалми тупроқлар турли даражада эрозияга учраган. Эрозия лалми тупроқларнинг механик таркиби, физикавий, агрокимёвий, биологик хоссаларига ва хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади.
3. Қизғиши тусли лалми тупроқлар морфологик белгилари билан ҳам фарқланади. Неоген ётқизиқларида шаклланган лалми тупроқларнинг рангитуси қизғиши, қизғиши-қўнғир тусли, карбонатлар миқдори ва ишқорийлиги юқори. Азот, фосфор миқдори кам, калий билан ўртacha таъминланган. Сингдирувчи комплексида магнийнинг миқдори кўплиги билан характерланади.
4. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг механик таркиби оғир қумоқ, енгил лойдан иборат, зич, ғоваклиги кам, солиштирма ва ҳажм оғирлик юқори.
5. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг унумдорлиги кам, таркибидаги гумус миқдори ва озуқа элементларининг анча кам эканлиги кузатилди.
6. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг юза қисмида ўсимликлар кам ўсади сабаби, тупроқнинг механик таркиби анча оғир, физикавий хоссаси зичлашган тупроқлардир.
7. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг гумусли қатламишининг қалинлиги қисқа ва гумус миқдори анча кам.
8. Қизғиши тусли лалми бўз тупроқларнинг 30см қатламида ферментлар фаоллиги юқори, тупроқ қатламишининг 50см.дан қути қатламларида протеаза ва уреаза ферментларининг фаоллиги жуда камайиб кетади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Гафурова.Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие, в пределах предгорья и низкогорий Узбекистана. Автореф. доктор. дисс. Ташкент.1995.
2. Пейве.Я.В. Биохимия почв. Москва. 1961.
3. Раимбаева.Г.Ш. Чирчик-Келес дарёлари оралиғидаги эрозияга учраган неоген ётқизиқларида шаклланган типик бўз тупроқларнинг механик таркиби. Тошкент. 1997.
4. Раимбаева.Г.Ш. Тошкент вилояти Қибрай туманинг эрозияга учраган учламчи неоген ётқизиқларида шаклланган типик бўз тупроқларининг агрокимёвий хоссалари. Тошкент, 1998.
5. Раимбаева.Г.Ш. Свободные аминокислоты в эродированных типичных серозёмах в междуречья Чирчик-Келес. канд.дисс.Ташкент. 2000.
6. Раимбаева Г.Ш. Элементы плодородия и биохимические процессы в типичных серозёмах. Монография. Ташкент. 2020.